

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2019 йил
21 сентябрь

ШАНБА

№ 75 (13232)

@haqiqatonline

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНING СЕССИЯСИ

Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари Акмалжон Исабоев бошқарди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокидаги сессияда вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик тегишли гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари, ташкилот ва бошқармалар бошлиқлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари, шунингдек, жамоат муассасалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Видеоконференцалоқа тарзида ўтган йиғилишни айна бир вақтнинг ўзида туман ва шаҳар студияларидан маҳаллий кенгашлар депутатлари ва ҳудудий фаоллар ҳам қўзғатиб бордилар.

Дастлаб кун тартибига мувофиқ, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Кайд этилганидек, жорий йилнинг биринчи ярмида мазкур субъектлар учун барча манбалар ҳисобидан 2,1 трлн. сўм кредитлар ажратилди. Бу, ўз навбатида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 52,3 фоизга, ёки 1 трлн. сўмга кўпдир. Бироқ, шунга қарамай, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида бир қатор муаммолар, ечимини қўзғатган масалалар мавжуд. Айна пайтда вилоятда кичик бизнес субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 51,3 фоиз атрофида қолмоқда. Масалан, ҳудудда 6 минг 632 корхонанинг фаолияти турли сабабларга кўра тўхтаб қолган. Бундай корхоналарнинг асосий қисми Зангиота, Тошкент, Қўйбўриқ, Ўртачирчиқ, Бўстонлиқ, Бўқа туманлари, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бундан ташқари, вилоятда экспорт ҳажми ва турини кўпайтириш, экспортёр корхоналарни ташқи бозор конъюнктурадаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган янги тадқиқотлар натижалари билан таништириб бориш ишлари аниқ тизим ва мунтазамликка эга эмас. Айниқса, ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишда вилоятда ташкил этилган эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётган.

Соҳадаги мавжуд муаммолар ва истиқболдаги вазифалар юзасидан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Одилов Рустамовнинг ҳисоботи тингланди. Муҳокамаларда сўз олган Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи Камолитдин Атаев, Бекобод шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаев, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Музаффар Турғунов, Ўртачирчиқ туманидаги "Алинув инвест" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алишер Хайдаров ҳамда сиёсий партияларнинг вилоятдаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари мавжуд муаммоларни бартараф этиш, соҳани ривожлантиришда ҳали ишга солинмаган салоҳият ва имкониятлар ҳусусида фикр ва амалий тақлифлар билдирдилар.

Вилоят сессияси кун тартибидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг "Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қўшма қарори ва амалий тақлифлар билдирдилар. Мазкур қўшма қарорда кўзда тутилган жиҳатларни тўла маъқуллаб, бу борада вилоят фаоллари, кенг жамоатчилик, ҳусусан, депутатлар олдида турган долзарб вазифаларга алоқадорлиқ тўхталдилар.

Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича вилоят комиссияси тузилгани маълум қилиниб, унинг таркиби тасдиқланди. Қўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери Н. Исмоилов, Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Р. Холматов сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз
Нозимжон ИСМОИЛОВ
олган сурат

Марказий сайлов комиссияси: САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон катта сиёсий жараён – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови арафасида турибди. Сайловлар мамлакатда амалга ошириладиган демократик ислохотлар, яқин ва олис истиқбол учун белгилаб олинган стратегик тараққиётнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот марказида 20 сентябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси ана шу йирик воқеага бағишланди. Мажлисида Марказий сайлов комиссияси 2019 йил 22 декабрни – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови куни деб белгилади. Сайлов кампанияси 20 сентябрдан бошланиши эълон қилинди.

Мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловини ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури тасдиқланди.

Тадбирда тараққиётнинг янги, демократик босқичига қадам қўйган Ўзбекистонда янги парла-

мент ва янги маҳаллий кенгашларни сайлаш учун янги раҳбарий сайловлар кампанияси бошланаётгани алоҳида таъкидланди.

Бўлажак сайловлар мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта муҳим устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган илғор демократик ғояларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлади. Жамиятимиз ҳаётдан кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, фикрлар ранг-баранглиги, очкилик ва ошқоралик, бағрикенглик тамойиллари тобора мустаҳкам ва кенг ўрин олмоқда.

Аввало, бу йил мамлакат парламенти ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар илк бор Ўзбекистон Республикасининг янги Сайлов кодекси асосида ўтади. Сайловларда биринчи марта бешта сиёсий партия ўз номзодларини илгари суриш ҳуқуқига

эга. Булар – "Миллий тикланиш" демократик партияси, Халқ демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси.

Сайловларда 20 миллиондан ортиқ сайловчи, шулардан икки миллиондан зиёд ёшлар илк бор, овоз беради.

Мажлис нихоясида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси, сиёсий партияларнинг раҳбарлари Халқаро матбуот марказининг махсус безатилган залига тақлиф этилди. Улар шаффоф тугмачаларни босиб, сайлов кампаниясига тантанали равишда старт берди. Улкан экранда "2019 йил, 22 декабрь. Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар!" тасвири пайдо бўлди.

Маросимда ҳозир бўлган Мар-



казий сайлов комиссияси аъзолари ва ходимлари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий ва хорижий журналистларнинг қарсақлари янгради.

Сайлов кодексида биноан эндиликда сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига бўлажак сайловларда 135 эмас, балки тўлиқ 150 сайлов округидан номзод кўрса тиш ҳуқуқига эга бўлди. Ўзбекистон Экологик ҳаракати берилган квота чиқариб ташлангани партиялараро рақобатни кучайтиришга хизмат қилади.

Вилоятларда ҳудудий бўлинмалари ҳам иш бошлаган Халқаро матбуот марказида Сайловчиларга тезкор ахборот бериш маркази (Call-center) фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги республика ҳудуд бўйлаб абонентлардан марказга чиқувчи бепул кўнгироқлар амалга ошириладиган кўп тармоқли ва қисқа рақамли алоҳида алоқа линияси ажратилди ҳамда унинг узлуксиз ишлашини таъминлайди.

Марказий сайлов
комиссияси
Матбуот хизмати

«КИЧКИНТОЙ»НИНГ МЕҲРИБОН ОНАСИ

Мустақиллигимизнинг 28 йиллик байрами арафасида Янгийўл туманидаги "Кичкинтой" болалар уйи бош шифокори Тоҳира Исмоилованинг I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотлангани ҳақидаги хабарни кўпчилик қувонч билан қарши олди. Айниқса, Меҳрибонлик уйи жамоаси Тоҳира опадаги камтарлик, фидойилик, меҳрибонлик, ўз касбига садоқат хислатлари эътибори эъзозга лойиқ топилганидан жуда қувонди.

■ Нишондорларимиз



Давоми 4-бетда ➡

«АГРООНЛАЙН» ТИЗИМИ

пахтани қабул қилиш жараёнида шаффофликни таъминлайди

Айни кунларда пахтазорлардаги ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, қисқа фурсатларда йиғиб-териб олиш олдимида турган энг муҳим вазифадир. Жорий йилда вилоятимизнинг 73 минг гектар ер майдонига гўзанинг истиқболли ва янги навлари экилган бўлиб, насиб қилса, 219 минг 600 тонна пахта хом ашёси йиғиб олиш режалаштирилган.



Мавсумга тайёргарлик гўза майдонларини дефолиация қилишдан бошланди. Мазкур жараённи тезкорлик билан яқунлаш мақсадида жами 409 та пуракагич жалб қилинди. Бу борадаги ишларни сифатли ва ўз вақтида бажарилиши вилоят

агроинспекция бошқармаси томонидан кунлик назорат қилиб борилди. Сир эмаски, йиғиб олинган оқ олтинни тозалаш ва сақлаш ҳам ўта муҳим масала ҳисобланади. Шу сабабдан, туманлардаги мавжуд "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жами-

яти ва пахта-тўқимачилик кластерларига тегишли 8 та пахта тозалаш корхонаси, 31 та тайёрлов маскани пахта ҳосилини қабул қилиш учун шай ҳолатга келтирилишига алоҳида эътибор қаратилаёпти.

Давоми 3-бетда ➡

БУГУННИНГ ҲАРАКАТИ – ЭРТАНИНГ БАРАКАСИ

Асл деҳқон учун ҳар мавсумнинг ўзига яраша юмуши, ташвиши бор. Ёзининг ўрталарида галла ҳосили йиғиб олингандан кейин такрорий экинлар экилади. Кузда ҳосил йиғиштирилгач, бордиққат-эътибор "тўқсонбости" экишга қаратилади.



Бугун нафақат фермер ва деҳқонлар, балки аҳолида ерга бўлган муносабат тубдан ўзгариши мамлакатимизда аграр соҳада олиб бориладиган ислохотлар туфайлидир. Сўзимизни Охангарон тумани мисолида давом этирадиган

бўлсак, ҳудудда 285 гектар ер майдонига тўқсонбости, 8 минг 19 гектарга эса такрорий экинлар экилган. Келгуси йил галла ҳосили учун 8 минг 600 гектар сувли ер майдони тайёрланмоқда.

Давоми 2-бетда ➡

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ БЕЛГИСИ

Тадбирда ватанпарварлик ҳар бир давлатнинг маънавий асоси ҳисобланиши ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намён бўлиши таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда ёшлар эътибори юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат каби олижаноб фазилатларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятига қаратилди.

Аҳамиятлиси, бундай тадбирларда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, маҳаллаларда соғлом муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда ўз Ватанининг равнақи йўлида ёшлар масъулияти амалий мисоллар орқали тушунтириб берилмоқда.

– Мазкур маънавий-маърифий тадбир бизлар учун катта сабоқ бўлди, – дейди 19-сонли умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Чарос Жабборов, – Унда биз – ёшларга яратилаётган ша-роитлардан самарали фойдаланишимиз, тинчликнинг қадрига етишимиз, ушбу бебаҳо неъматни сақлашга ҳиссамизни қўишимиз кераклиги аниқ мисоллар билан тушунтирилди.

Давоми 2-бетда ➡



Эътибор

Мамлакатимизда йилдан-йилга аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш, тиббий-профилактика муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, жойларда ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича дастур ва комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ТИББИЙ ХИЗМАТ — ЖИДДИЙ ХИЗМАТ


Буни Қибрай туманидаги хайрли ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Айтиш керакки, яқингача маҳаллаларда яшовчи йигирма мингдан ортиқ аҳоли қишлоқ врачлик пунктларида мутахассис-шифокор ва асбоб-ускуналар етишмаслиги туфайли марказий муассасаларга мурожаат қилишга мажбур эди. Энди эса бунга ҳолат йўқ. Сабаби, бугун уларга хизмат кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда бирламчи тиббий ёрдам сифати тубдан яхшиланди.

Жорий йилда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва туман ҳокимлиги кўмаги билан "Шалола" фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 27-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси ҳам тўлиқ реконструкция қилиниб, зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар келтирилди. Ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан бир ярим миллиард сўм маблағ ажратилди. Қишлоқ оилавий поликлиникасида педиатр, умумий амалиёт шифокори ва акушер-гинеколог билан бирга

жарроҳ, ЭКГ, КББ мутахассиси, стоматолог сингари тор доирадаги шифокорлар ҳам хизмат кўрсатишмоқда. Бундан ташқари, шу ернинг ўзида ультратовуш хонаси, лаборатория, кундузги касалхона, тез тиббий ёрдам хизмати фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Бизга маълумот беришларича, яқин кунларда муассасада физиотерапия хонаси очилади, шунингдек, невропатолог, кардиолог ва дерматолог ишга таклиф этилади.

Мазкур замонавий шифохона жамоаси "Шалола", "Илғор", "Шарқ", "Жомий", "Янгиобод" каби тўққизта маҳалла аҳолисига хизмат кўрсатишмоқда. Бу ерда олий тоифали шифокорлар билан бирга 36 нафар ҳамшира ҳам беморларга ғамхўрлик қилади. Улар туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек, ёлғиз кексалар, сурункали касалликлари бўлган беморлар, алоҳида парвариш ва ижтимоий ёрдамга муҳтожларга патронаж хизмати кўрсатишади.

Айни пайтда туманда 220 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади.



Бундай кўп сонли аҳолини қамраб олиш ва сифатли тиббий хизматни таъминлаш учун шунга яраша имконият ва салоҳият бўлиши керак. Шунингдек, олган ҳолда, жорий йилдан бошлаб туман тиббиёт бирлашмасида жарроҳлик, терапевтик, педиатрия, лаборато-

рия ва қабул бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди, шовиланч тиббий ёрдам хизмати сифати оширилди. Яқин келажакда реаниматолог, нефролог, гематолог, нейророжроҳлар ишга олинади, замонавий ультратовуш аппарати ва лапароскопик ускуналар сотиб оли-

нади. Бугунги кунда туман тиббиёт бирлашмасида жами 365 шифокор ва 1 минг 885 тиббиёт ходими меҳнат қилади. Касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш уларнинг доимий диққат марказида.

Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси томонидан жойлардаги бешта қишлоқ оилавий поликлиникаси, тўртта қишлоқ врачлик пунктида кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳам доимий назоратга олинган. Аҳоли билан доимий равишда ўтказиб борилаётган учрашув ва мулоқотлар давомида одамларни қўйиётган касалликларнинг ўрганиб борилаётгани муаммоларнинг ечимини топишда кўл келмоқда.

Бундан ташқари, туман тиббиёт бирлашмасида тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малякутини ошириш, замонавий ўқув дастурлари, усуллари ва технологияларини жорий этишга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Масалан, жорий йилнинг август-сентябрь ойларида Ҳиндистоннинг "Yatharth Hospital" клиникаси раҳбари, профессор Капил Кумар ва вертебролог Шаши Паул томонидан травматология ва вертебрология соҳалари бўйича маҳорат дарслари ўтказилди. Улар билан ўзаро тажриба алмашиши давом эттириш, ёш мутахассисларни тайёрлаш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Юлдаҳон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ БЕЛГИСИ

Шунингдек, "Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси" мавзусида ўтказилган викторинада берилган саволлар қизиқарли бўлди. Бундай тадбирлар мунтазам ўтказиб турилса, ҳуқуқий билимларимиз янада ошади.

Викторинада юқори ўринларни эгаллаган жамоа аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари сайёр ўқиш жараёнида давомида ҳудудий ички ишлар органлари ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда маҳаллаларда бўлиб, кам таъминланган, яқка ёлғиз кексалар ҳолдан ҳам хабар олишяпти.

Куни кеча улар Қўйичирчиқ туманининг "Мевазор" маҳалласида яшовчи, кам таъминланган Кулжамал Холмуродованинг хонадонига бўлишди.

Раҳматли турмуш ўртоғим Тошкент шаҳар ИИБда хизмат қилар эди. 20 йил олдин асаб касаллиги туфайли оламдан ўтди. — дейди К. Холмуродова. — Ундан кейин бир ўғлим ва бир қизим ҳам шу касалликдан вафот этишди. Кичкина қизим ҳам шу ташхис бўйича 1-гурӯх ногирони. 4 нафар фарзанди билан менинг қарамоғимда. Кенжа ўғлим ҳам шу ташхис билан ҳозир 2-гурӯх ногирони. Туман ҳокимлигига уйимизнинг томонидан чакка ўтаётгани ҳақида мурожаат қилган эдим. Барака топишсин, ёрдам беришди. Маҳалламиз фаоллари, профилактика инспектори, қўни-қўшнилар ҳам доим хабар олиб туришади. Яқинда неварамни боғчага жойлашга ёрдам беришди.

Бундай тадбирлар жойларда давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Малака ошириш институти матбуот хизмати

САЛОМАТЛИК ЗАРГАРИ

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида муваффақиятли амалга оширилган муолажа натижасида Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи 83 яшар Гулинар Селимованинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Бундан 10 йил олдин жисмоний зўриқиш натижасида бу меҳнатсевар аёлнинг қоринолди деворида чурра пайдо бўлди. Натижада қаттиқ оғриқлар сезила бошлади. Йиллар давомида дард кучайиб бораверди. Селимованинг нафас олиши қийинлашди. Охириги пайтларда эса чурра йиринглашни бошлади ва ҳеч қандай терапевтик даво усуллари ёрдам бермай қўйди. Бироқ бемор тушунлиққа тушмади, у вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлимига нажот истаб борди.

Ўта мураккаб ва катта масъулиятни талаб қилган операцияни амалга оширишга тажрибали жарроҳ Низом Абдуллаев бошчилик қилди. Олий тоифали шифокор бемор аҳолини синчковлик би-



лан ўрганди, муолажа олдидан қўлланиладиган барча тадбирларни амалга оширди. Юксак маҳорат билан ўтказилган операция натижасида чурра бутунлай олиб ташланди.

Бугун Гулинар Селимованинг аҳоли қонқарли. Унинг қариндошлари, ёру биродарлари қўли енгил шифокор Низом Абдуллаевга кечисиз миннатдор-

чилик билдиришмоқда. Навбатдаги муваффақият билан моҳир жарроҳни ҳамкасблари ҳам табриклашмоқда. Низом Абдуллаев каби "оқ халат кийган мўъжизакорлар" мисолида биз мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида эришилаётган ютуқларимиз натижаларига яна бир бор иқдор бўламиз. Ўттиз йилдан зиёд вақт мобай-

нида халқимиз саломатлиги ҳақида қайғуриб келатган бу аждоғ, меҳнатсевар ва камтарин инсонни давлатимиз бир неча бор тақдирлаган. Тажрибали ташкилотчи, тиббиёт соҳасининг фахрийси айни пайтда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб, ўз билим ва маҳоратини инсонлар саломатлигига бахш этмоқда. Ўтган йиллар давомида шифокор 30 дан ортиқ шогирд тайёрлади. Бугун улар Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Навоий вилоятларининг тиббиёт муассасаларида халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилишмоқда. Ёш шифокорлар ўз устозларининг барча насиҳат ва маслаҳатларига риоя қилиб, олижаноб халқимизнинг соғлиғини сақлашдек масъулиятли вазифани виждонан бажаришмоқда.

Убайдулла ҲАМИДУЛЛАЕВ
Муаллиф
олган сурат

БУГУННИНГ ҲАРАКАТИ — ЭРТАНИНГ БАРАКАСИ



Тумандаги фермер хўжаликлари ихтиёрий ташаббускор ёшлардан 6 минг нафари билан пахта теримида иштироки учун меҳнат шартномалари тузишди.

Бундан ташқари, туманда 2 минг 480 гектар ер майдонида боғдорчилик, 86 та фермер хўжалиги балиқчилик, 123 таси 8 минг 654 гектар майдонда чорвачилик билан шуғулланади. Мазкур хўжаликларда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан ўқув-семинарлари мунтазам ўтказиб борилмоқда.

Такрорий экинларни ўз вақтида экиш борасида Пискент туманида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, туманда пахта ва галла етиштиришга ихтисослашган 140 та фермер

хўжалигида 8 минг 600 гектар ер майдони галла ҳосилдидан бўшади. Такрорий экинлар қисқа муддатларда экилди. Шундан 1 минг 414 гектарда сабзавот, 1 минг 58 гектарда картошка, 100 гектарда полиз, 5 минг 46 гектарда дуккакли ҳамда 982 гектар майдонда озқабоп экинлар етиштирилди.

Шунингдек, тумандаги 11 та ҳудудда жорий йил пахта йиғим-терими мавсумига тайёргарлик, теримчилар билан меҳнат шартномаси тузиш, ўспирин ва мактаб ёшидаги болаларни пахта йиғим-теримида жалб этмаслик ҳамда теримчиларга қулай шaroитлар яратишни тўлиқ таъминлаш мақсадида очик мулоқотлар ўтказилди.

Зайниддин ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Республика фермер,
деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бош мутахассиси

Интилиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, вилоятимизда ҳам

мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ЧИНОЗЛИК ЧЕВАРЛАРНИНГ НИЯТИ



Хусусан, Чиноз туманидаги "Беш қапа" маҳалласида ишга тушган "Chinzara textile" тикувчилик корхонаси бунга мисолдир. Ушбу мўъжаз корхона фаолиятига мамлакатимизда енгил саноат тармоғини ривожлантириш, тўқимачилик корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, пахта хом ашёсини қайта ишлашни янада кенгайтириш ва сифатли маҳсу-

лотлар тайёрлашни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг яққол исботидир. — Туманимизда бундай корхоналарнинг қўлайлиги бориши ички бозорни арзон, сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар билан тўлдирибгина қолмай, экспорт борасида ҳам катта имкониятлар яратади, — дейди корхона раҳбари Мирқамол Ғуломов. — Ҳозирда йилга 65 минг дон трикотаж (спорт

кийимлари, майка-шортик) маҳсулотлари тайёрлаш имконига эгамиз. Мухими шундаки, маҳсулотнинг асосий қисми Россияга экспорт қилинмоқда. Корхонада иш икки сменада ташкил этилиб, 150 та янги иш ўрни яратилган. Ишчилар бепул овқат, коржома билан таъминланган. Ойлик маошлар вақтида тўла борилапти.

— Яратилган шароитлар туфайли талайгина синфдошларим корхонамизда ишлаш иштиёқидалар, — дейди моҳир тикувчи Гўзал Очилова, — Янги ишга кирганларга тажрибали мутахассислар "устоз-шогирд" аънавалари асосида касб сирларини ўргатаётдилар. Корхонамиз келажакга сидқидилдан ишонаман.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

□ Эй, умри азиз...

Республика Вазирлар Маҳкамасида умумиктисодиёт бўлими мудри лавозимида ишлаб келган Оқилжон Обидов 1993 йил март ойида ҳукумат қарори билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинланиб, вазир ваколати билан иш бошлади.

Маълумки, мустақиллик ҳар кимнинг ўз иқтидори, салоҳиятини юзага чиқариш учун чексиз имконият эшикларини очиб берди. Шу билан бирга бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки даврида, кескин ўзгаришларга тайёр бўлмаганларни анча довдиратиб қўйди. Мана шундай шароитда айрим кишилар сеvimли иши, касб-кори ни ташлаб, енгил-елли бойлик тўплаш йўлига кириб кетдилар. Ҳатто, ўзининг маъкеи, мансабини суиистеъмол қилиб одамларнинг соддалиги, ишонувчанлигидан фойдаланиб, фақат пул ишлаш йўлига ўтиб олган корчолонлар ҳам пайдо бўлди. Аксинча, мана шу ўтиш даврида ҳам барча етишмовчилик, қийинчиликларга қарамай, ўз касбига садоқат билан хизмат қилган, ҳаётини шунга бағишлаган инсонлар эл ҳурмати нн қозонди.

Ўша кезларда эндигина тетапоқ қилаётган мамлакат тақдирда муҳим роль ўйнаган аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини бар- тараф этиш ва ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаси жуда оғир аҳволда эди.

О. Обидов ишни вилоятлар билан танишишдан бошлади. У бошчилигида энг чекка ҳудудларда ишсизлик муаммосини енгиллаштириш, янги иш ўринларини яратиш, ишсиз фуқароларни қайта касбга йўналтириш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш бўйича махсус бандлик дастури ишлаб чиқилди.

Шунга қарамай, республикада

ишсизлик даражасининг кескин ошиб кетиши О. Обидовни ташвишга соларди. Ишсизликини қамайтириш мақсадида ривожланган мамлакатларга меҳнат бозоридagi ортиқча ишчи кучини сотиш бўйи-

зири бўлиб ишлаган даврда тизимда бор-йўғи учта санаторий фаолият кўрсатар эди. Бу ўша кезде аҳолиси ўттиз миллион томон бораётган давлатнинг ижтимоий таъминотга муҳтож табақа-

тида "Нуруний" ва "Маржонсуви", Самарқанд вилоятида "Марварид", Қорақалпоғистонда "Тахиятош" санаторийлари янгитдан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, собиқ иттифок даврида тиббий-ижтимоий муассасалар, айниқса, Саховат ва Мурувват уйлари ўта ночор аҳволга тушиб қолганди. Оқилжон аканинг ташаббуси билан 1999 йилдан буён тиббий-ижтимоий муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, давлат таъминотида олинган кексалар ва ногиронларнинг ҳаёт

ди. Байрамларни кўя турунг, бошқа кунларда ҳам "бирров кириб" йўқловчилар жуда кўп.

– Инсон умри давомида ўзидан унутилмас из қолдириш, яхши ном қиқариш учун интилади, – дейди шогирди Бахтиёр Абдурахмонов. – Оқилжон ака ана шундай инсон. Улар ёшларга: "Яхшилик учун инсонга беш омил берилган: дунёга келмоқ, соғ-саломат юрмоқ, инсонпарвар бўлмоқ, бир оилага сарбонлик қилмоқ, эл-юртдан раҳмат эшитмоқ – буларнинг барчаси бахт-саодатга элтади, эртанги кунингни нурафшон бўлишига хизмат қилади. Ким сени яхшиликка бошласа, уни устозим деб билгил. Яхшилик ва эзгулик – мурод-мақсадларнинг олтин қалитидир", деб ўғит берадилар.

Дарҳақиқат, шу олтин қорида ҳозиргача амал қилиб кам бўлмаган, айни кунларда табарруқ 75 ёшни қаршилаётган устоз Оқилжон ака бугун ҳам маҳалладошлари учун кўп савобли, хайрли ишлар билан андармон.

Оқилжон Обидов пенсияга чиққанидан сўнг бир сўлим мева ли боғ бунёд қилишни ўйлади. Паркент туманидан 30 гектар ер олиб, ниятини амалга оширди. Ернинг 10 гектарида узумзор, 14 гектарида мева ли боғ, 6 гектарида ёнғоқзор барпо этди. У кишини қачон қидирсангиз шу боғдан топасиз. Ўзи яратган боғдан баҳра олади.

Дейдиларки, кўпчилиكنинг қорига яраб, савоб ишларга елка тутган кишиларнинг умрига умр қўшилиди, ҳаётига барака инади. Айниқса, нафақага чиқиб ҳам бекор ўтirmай, боғлар барпо этиб, эл дастурхони тўқинлигига ўз хиссасини қўшаётган Оқилжон Обидов каби инсонларнинг ҳаёти, қилган ишлари ёшлар учун ибрат мактаби, фарзандлари учун бебаҳо давлатдир.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ЭЗГУЛИК БОҒИНИНГ МЕВАЛАРИ



си учун жуда ҳам паст кўрсаткич эди.

– Вазиятдан чиқиш учун ҳукуматга асосланган таклифлар киритилиб, қатор санаторийлар қурилишига йўл очилганди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходими Алишер Иноков. – Орадан бир оз вақт ўтиб, Наманган вилоятида "Косонсой", Жиззах вилоя-

кечириш сифатини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари амалга ошириб келинмоқда.

Умрининг салкам қирқ йиллини аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга бағишлаган Оқилжон Обидов ҳозирда фарзандлари ва набиралари қуршовида кексалик таҳтини сурмоқда. Деярли ҳар кун шогирдлари телефон қилиб, ундан ҳол-аҳвол сўраб, маслаҳат олиша-

□ Эҳтиром

У кишини пискентликлар самимий эҳтиром билан "устоз Аҳмад ака" дейишарди. Устоз салкам ярим аср Пискентдаги 1-мактабда ишлади. 80 ёшида ҳам ҳар кун мактабдан хабар олиб келарди. Икки ўғил, икки қиз, келин-қуёвлару, набираларнинг ардоғида бўлса-да, уйда тинчиб ўтирганини, ё чойхонада ёнбошлаб ётганини ҳеч ким кўрмаган. Болалари: "Дада, қўйинг шу ишингизни, яна чарчаб қолманг", дейишса, "Биринчидан ҳаракат, бу саломатлик, иккинчидан, ўқувчиларим (у мактабдаги ўқитувчиларни ҳам шундай атарди) ўзимга ўрганишган-да, қувватим борида ўшаларга кўмак берай", деб жавоб беради.

УСТОЗ ЮРАГИДА
ПОРЛАГАН ҚУЁШ

Фидойи устоз Аҳмад ака Пўлатов 85 ёшида ҳаётдан кўз юмди. У киши билан хизмат юзасидан кўп учрашганман, мулоқотда бўлганман. Мен бутун ҳаётини, куч ва билимини таълим-тарбия соҳасига бахш этган бу камтарин инсон билан ҳар гал суҳбатлашганимда унинг кашф этилган қиррасини топгандек бўлардим.

Бир кун устоздан ҳаёт йўли, ёшлик хотиралари ҳақида сўзлаб беришни сўрадим:

– Нақадар оғир ва машаққатли замонлар эди. Аммо қийинчилик кўп бўлса-да, болалиқдан ўқиш-ёзишга жуда қизиқардим. Ҳали етти ёшга тўлмасимдан ака-опаларимга эргашиб мактабга борардим. Мана шу 1-мактабда таҳсил олдим. Ўқувчилигимда кимё ва биология фанларини чуқур ўзлаштиришга ҳаракат қилардим. Меҳнатларим, чеккан машаққатларим зое кетмади. Мактабни битириб, Низомиёв номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг кимё факультетида ўқишга кирдим. Олийгоҳни битиргач, яна ўзим ўқиган мактабга ишга келдим. Дилингда ихлос бўлсаю, ўз ишинга сидқидилдан ёндошсан, меҳнатларинг албатта ўз меvasини берар экан. Кимё соҳасининг мутахассиси сифатида кўплаб шогирдлар еттиштирдим, – деган эдилар устоз.

Аҳмад Пўлатов 1973 йилда 1-мактабга директор этиб тайинланди. Устоз бу вазифада 40 йил ишлади. Ўша йиллари мактаб нафақат туман, вилоят, балки республикадаги энг илгор таълим муассасаларидан бирига айланди. Шу йиллар ичида мактабни битирган юзлаб ёшлар олийгоҳларда ўқишни давом эттириб, айни пайтда турли соҳаларда, нуфузли лавозимларда фаолият юритишмоқда. Устознинг дуоси билан илм олишни давом эттирган ўнлаб шогирдлари фан докторлари, юзлаб ўқувчилари эса фан номзоди бўлишди.

– Дадам тонгда ҳар биримизни ишга, ўқишга дуо билан қузарардилар, – дейди устознинг қизи Дилфуза Атаева. – Илмли, сабрли бўлинглар, илм – катта хазина, сабрнинг эса тагида ҳикмат кўп, дердилар. Отам вафот этган бўлсаларда, уйимизга кўплаб инсонлар келиб туришарди. "Устоз бизни ўқитганлар, ҳаётда тўғри йўлни кўрсатган-

лар, у кишидан қарзимиз кўп", дея отамни самимий эҳтиром билан хотирлашарди. Бу гаплардан сўнг шундай инсоннинг фарзанди бўлганлигидан юрагинг фахридхор туйғуларига тўлиб кетар экан...

Ҳаётда турфа хил одамларни кўрдим. Бир амаллаб битта унвон эгаси бўлса бас, ўшани пеш қилиб, арзимаган иш билан турли идораларнинг дарвозасини бузишга тайёр. Гоҳо, шогирдларига Ватанга содиқлик ҳақида соатлаб гапириб, ўзи таъмагирлик қиладиган "зиёли"ларни учратганимда, ағёрлиги ўтмай охир пешонаси тошга урилганларни кўрганимда, ачиниб кетаман. Аммо, Аҳмад отага бундай одатлар бегона эди. У кишининг биттагина аммо катта унвонлари бор эди – "Устоз!" Аҳмад ака шундай улуғ унвонга муносиб яшаб ўтди. У ҳеч қачон бирор идорага: "Мен фахрий ўқитувчиман, фалон-фалонларнинг устозиман, шу ишимни битириб беринглар", деб қирмаган. Шунинг учун ҳам одамлар ҳурмати нн қозонган, шогирдлари калбиди илиқ таассуротлар қолдирган...

Устозларимиз олдида қарзларимиз кўп. Уларни узмоққа умримиз етганимиз, йўқми, бу ёлғиз Яратганга аён. Шундай экан, ҳаёт бўлишса, уларни авайлайлик. Дунёдан ўтган бўлишса, ҳақларига дуолар қилиб, ҳеч йўқса, фарзандларимизга тўғри тарбия бериш билан уларнинг руҳларини шод этайлик.

Тўхтамурод ҲАСАНБОВ,
журналист

КАТТАРАВОТЛИКЛАР МАМНУН



Гап шундаки, 530 ўринли ушбу мактабда ташаббус маъно-мазмунидан келиб чиқиб, ўқувчилар маънавиятини юксалтириш ва бўш вақтларини мазмунли ўтқа-

бўка тумани, "Каттаровот" маҳалласи ҳудудидаги 8-ўрта мактаб жамоаси янги ўқув йилини кўтаринки кайфиятда бошлади. Айниқса, Юртбошимиз илгари сурган беш ташаббус йўлида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар барчани қувонтирмоқда.

□ Бизга ёзадилар

зиш борасида рақс, мақом, пазандачилик, компьютер саводхонлиги ва интернет тармоғидан фойдаланиш каби 12 та янги тўғрак очилиб,

уларга 250 нафар ўқувчи қамраб олинди.

– Бу ишларга жами 39 нафар ўқитувчи жалб этилди. Шунингдек, тўғракларда машғулотлар

олиб бориш учун 5 та янги иш ўрни яратилди. Айниқса, мактаб қошида фаолият олиб бораётган кутубхонадаги маърифий ишлардан ўқувчилар билан бирга ота-оналар ҳам мамнун.

СУРАТДА: кутубхона мудираси Фариди Менглибоева ўқувчиларни янги китоб билан таништирмоқда. Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат

ДАВРНИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Огоҳлик ҳар бир ҳудуддаги ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим омилдир.

□ Огоҳлик

Зангиота туманидаги "Бўзсув" маҳалласида ўтказилган "Огоҳлик – давр талаби" мавзусидаги давра суҳбати ҳам фуқаролар ҳушёрлигини, ҳуқуқий саводхон-

лигини оширишга қаратилди. Тадбирда сўзга чиққанлар, чегара хавфсизлигини таъминлашда чегараолди хонадонлар эгаларининг ҳушёрлиги ўта муҳимлиги-

ни таъкидладилар. Маҳалла, аҳоли ҳамда профилактика инспекторлари ҳамкорлигини янада кучайтириш борасида йўл-йўриқлар берилди.

Бу каби тадбирлар бошқа маҳаллаларда ҳам ўтказилмоқда.

Ж. РАҲМАТОВ,
ҳарбий хизматчи

Ижтимоий эълон

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№ №	Давлат объекти номи	Объект манзили	Қарор рақами ва санаси	Балансда сакловчи	Объектнинг бошланғич нархи
Паркент тумани					
1	1	"Parkentkonsalting-texnikcervis" МЧЖнинг 78,65 фоиз давлат улуши	Тошкент вилояти, Паркент тумани, Паркент ҚФЙ, "Тулбоғ" маҳалласи	ПФ-5656 05.02.2019 й. 1-илова	"Parkent-konsalting-texnikcervis" МЧЖ 9 315 342 583,0
Қибрай тумани					
2	1	"Qibraysharobsavdo" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қиб-рай, Зебунисо, 13	ПФ-5656 05.02.2019 й. 1-илова	"Qibray-sharobsavdo" МЧЖ 719 339 451,47

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича солиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2019 йил 7 октябрдан бошлаб объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб ҳар 15 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни

www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин. Мурожаат учун манзил: 111503, Тошкент вилояти, Ўрта-чирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ, Паркенттракт кўчаси, 15-уй.

Маълумот учун телефонлар: 0 (371) 230-34-80, 71-230-33-25. E-mail: toshvil@davaktiv.uz Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz, www.toshvil.uz

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни

«АГРООНЛАЙН»
ТИЗИМИ

пахтани қабул қилиш жараёнида шаффофликни таъминлайди

Мавсум давомида кундалик ишларни кузатиб бориш ва назорат қилиш мақсадида 9 та пахтачилик туманларига инспекция ходимлари бириктирилди. Улар пахта тозалаш корхоналари ҳамда кластерларга тегишли пахта тайёрлов масканларидаги жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўрганишмоқда. Текширувлар шунинг кўрсатдики, жойларда режада белгиланган юмушларни бажаришда сусткашликка йўл қўйилган. Жумладан, айрим ҳудудларда пахтани қабул қилиш ва узатиш механизмлари ҳамда ёпиқ омборлар таъмири охирига етказилмаган, гарам майдонлари (устини ёпиш учун) брезентлар билан тўлиқ таъминламаган. Шу каби камчиликларни бартараф этиш ва ҳосилни нест-нобуд қилмасдан қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бунинг амалга ошириш учун барча мутасаддиларга зарур тавсия ва топшириқлар берилди.

Сир эмас, авваллари пахтани қабул қилиш пунктларида қўшиб ёзиш каби қингирликлар учраб турарди. Бу йил коррупциянинг олдини олиш мақсадида барча пахта тозалаш корхоналари ҳамда пахта тўқимачилик кластерлари тасарруфидagi масканлар "Агроонлайн" тизимига уланиб, видеокузатувлар жорий қилинган. Йигилган ҳосилни узлуксиз қабул қилиш мақсадида 31 та тайёрлов масканларида 171 та пахтани узатиш механизмлари, 20 та ёпиқ омбор, 5 минг 500 дона гарам майдонини ёпиш учун брезентлар тайёрланган. 463 та гарам майдонлари таъмирдан чиқарилди. Қолаверса, уруғчилик фермер ҳўжаликлари томонидан уруғлик топширилиши режалаштирилган, нав ва авлодлар бўйича жойлаштирилдиган гарамлар алоҳида назоратга олинган.

Бундан ташқари, мавсумни талафотсиз ўтказиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги учун талаб этиладиган 23 та ўт ўчириш автомашинаси, 53 та сув насоси ва 106 та ёнғин қалқони жалб этилди. Шунингдек, фермер ҳўжаликларида терим этаги, тиркамалар учун автоёпқичлар ва бўз қоплар захираси яратилди. Тайёрлов масканларида ҳудудни оқлаш, бўш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Фермерлар хонасида қулай шароитлар яратилиб, лаборатория ва тарозихоналар давлат қиёслов кўригидан ўтказилди ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан таъминланди.

Шу жумладан, пахта ташишда қатнашадиган 1 минг 908 та тиркама соzланди. 278 та янги трактор тиркамалари ва 41 пахта териш машинаси харид қилинди.

Шухрат ҲУСЕНОВ,
инспекциянинг
вилоят бошқармаси
бошлиғи

ОЛМАЛИҚДАН ТОМДИГА КИТОБ КАРВОНИ

Республикаимиз Президенти ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги истиқболли лойиҳаларни белгилаш мақсадида Навоий вилоятига ташрифи давомида Томди туманида бўлиб, туманда яшаётган маҳаллий қардош қозоқ халқи учун Ахборот-ресурс маркази ташкил этиш вазифасини Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоасига топширган эди.

Эзгулик



Мансур ХИММАТОВ ва Нозим АБДУЛЛА олган суратлар

Ўз мухбири

Мазкур вазифани бажариш мақсадида комбинат томонидан бири экани сир эмас. Мамакатнинг айрим минтақаларида хотин-қизлар ҳатто таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Куни кеча Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" маданият саройида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши ҳамда

Президентимизнинг китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва ижросини таъминлаш, шунингдек, қозоқ халқи билан қон-қардошлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида "Қардошларга – китоб" маърифий тadbири ўтказилди. Шу куни ўзбек ва

қозоқ нурунийларининг дуоси ва қарнай-сурнай садолари билан 421 номдаги 844 та ўзбек, рус ва қозоқ тилидаги китоблар қарво-

ни Томди туманида ўз фаолиятини бошлаган Ахборот-ресурс марказига кузатилди.

Нигоҳ

МАНФААТЛИ
ҲАМКОРЛИК
ЭЪТИРОФИ

Афғонистон дунёда таълим соҳасида муаммоли мамлакатлардан бири экани сир эмас. Мамлакатнинг айрим минтақаларида хотин-қизлар ҳатто таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Узоқ давом этган уруш ҳамда молиявий инқирозлар оқибатида мамлакатда таълим инфратузилмаси буткул издан чиқиб кетган. Шунга қарамай, Афғонистон халқи ўз азму шижоати билан бундай ижтимоий инқирозларга қарши амалий кураш олиб бормоқда. Кундан-кунга аҳоли дунёқараши ўзгариб, таълим ва дунёвийликка интилиш кучаймоқда. Жумладан, хотин-қизларни ўқитиш ҳам айрим вилоятларда икки бараварга ошгани бунинг тасдиғидир.

Жаҳон ҳамжамияти Афғонистон ҳукумати билан биргаликда янги мактабларни қуриш ҳамда таълим инфратузилмасини ислоҳ қилиш бўйича ўлкада кўзга қиринарли фаолият олиб бормоқда. Шундай бўлса-да, Афғонистоннинг геосиёсий хусусиятларидан бўлган муаммолар ҳали бартараф этилганча йўқ. Мактабларда ҳамон етарлича ўқув шароити яратилмаган, ичимлик суви мавжуд эмас, кутубхона ва илмий лабораториялар ачинарли аҳволда.

Ақсарият ўқувчиларда дарсликлар етишмайди, дарс берувчиларнинг айримлари олий маълумотга эга эмас. Ўзбекча мактабларда дарс берувчи ўқувчилар сони ниҳоятда кам...

Афғонистон олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича бакалавр йўналиши мавжуд, аммо магистрлик босқичини йўқ эди. Дарс берувчи профессор-ўқитувчилар нафақага чиқиб кетётганлиги масалани янада чигаллаштираётганди...

Ўзбекистоннинг амалий кўмаги билан афғонистонлик талабалар айни пайтда юртимизга келиб магистрлик босқичини ўқиб кетаяпти. Ўтган ўқув йилида Термиз давлат университети ҳамда Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида тахсил олишди. Талабаларга сертификатлар берилди.

Умуман олганда, Афғонистон таълим тизимига Ўзбекистон катта ёрдам кўрсатганлигидан маҳаллий аҳоли ниҳоятда хурсанд, дея этироф этади www.afftag.info сайтининг мухбири.

Шохрўз УМАРЖОНОВ,
Алишер Навоий
номидagi Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти
университети талабаси

«КИЧКИНТОЙ»НИНГ
МЕҲРИБОН ОНАСИ

Шифокорлар оиласида таваққул топган Тоҳира ота-онаси Абдусамид ака ва Каримахон аядан бемор саломатлиги учун қайғуриш осон иш эмаслиги, бунинг замирида кўп меҳнат, бедор тунлар, тинмай изланиш, ўқиб-ўрганиш ва катта масъулият борлигини англаб улғайди. "Қуш уясида кўрганини қилади", дейишганидек, оиладаги 3 қиз ота-она касбининг давомчилари бўлиб камол топишди.

Иш фаолиятини 1980 йилда пойтахтдаги 14-болалар шифохонасида жарроҳликдан бошлаган Тоҳира Исмоилова 1981-1997 йилларда Янгийўл шаҳар болалар шифохонасида ишлади. Зиммасидаги масъулиятни чуқур англаб, бор имкониятини ишга солиб меҳнат қилишга одатланган Тоҳира Исмоилованинг 1997 йилда Янгийўл туманидаги "Кичкинтой" болалар уйига раҳбар этиб тайинлангани унинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Муассасада янги иш бошлаган кезлари табиидан кўнгилчан ва меҳрибон Тоҳира опа болалар уйига келтирилган мурғак гўдакларни кўриб, кўз-ёшларини тийёлмасди.

— Муассасамизга янги туғилган чақалоқлардан тортиб, 3 ёшгача бўлган кичкинтойлар келтирилади, — дейди Т. Ис-

Бошланғич 1-бета



моилова. — Бу болаларнинг ақсарияти баъзи ёшларнинг ўйламай босган қадамлари меваси, хиёнат қурбонлари. Уларни "ташландик" дейишга тилим бормайди, улар бегуноҳ. Ақсинча, норасида гўдаклари дунёга келтирган нобакорлар ўз айбларини яшириш мақсадида улардан воз кечишган.

Болалар уйини кўздан кечирар эканмиз, бу ерда ҳамма шароитлар яратилганига амин бўлдик. Кичкинтойларнинг кийим-кечагидан тортиб, ўйинчоқларига, ётоқхонаси-ю, машғулот хоналарига, барча-барчаси жойида. Аммо, кичкинтойларнинг кўзларидаги мунгни кўриб, тоқат қилиш қийин.

Аллома АЗИЗОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Сўнгги пайтларда интернет троллари ҳақидаги мавзу трендга чиқди. Шу боис, тролларнинг ҳақиқий кучига тўғри баҳо бериб, уларнинг кимлигини билиб қўйган маъқул.

Тролинг — тармоқдаги муҳокама-лар жараёнида ижтимоий провокация, таҳқирлаш ва мазаҳ қилишни келтириб чиқариш демакдир. Бундай ишлар нафақат ҳақиқий, балки аноним аккаунтлардан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Троллар кечагина пайдо бўлгани йўқ, улар интернет ривожланмаган даврда ҳам бўлган. Масалан, илгари кўп қаватли уйлар йўлгада ўтириб, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олган "буви"лар ана шу троллиқнинг асосчиларидан эди. Улар дунёда бўлиб ўтаётган барча ҳодисалардан хабардор бўлишган, ички ва ташқи сиёсатда доно эдилар. Мабоодо АҚШ ва СССР ўртасида низо бошланса — унда ким ҳақ бўлиб чиқишини ҳам билишган. Аммо, муҳокама-ларнинг асосини ўша маҳаллада яшган одамлар ҳақидаги гаплар ташкил этган:

— Вованинг юришини қаранг, наркоман бўлса керак...

ҲАҚИҚИЙ
ТРОЛЛАРНИ
ТАНИЙСИЗМИ?

— Наташа эрга тегса ўладими, ёши ҳам бир жойга бориб қолди...

— Пенсия ошармиш, нарх-наво ҳам кўтарилса керак...

— Америкада ҳаёт кийинлашипти доллариям ошадимийев...

Ахборот асрида троллар интернетга кўчди. Афсуски, кўпчилиги ҳали ҳам ўша "подъезддаги кампирлар" савиясида фикрлайди. Улардан қутулишнинг йўлларида бири — блоклаш. Тролларни қандай қилиб таниб олам дейсизми? Улар ўз-ўзини ошкор этади: тор дунёқарашига калта фаросати билан.

Шерзод ШУҲРАТОВ
тайёрлади

КАМПИРЛАР
ЁНҒОҚ ҚОҚДИ

Кўчамиздаги ҳеч кимники ҳисобланмайдиган ўч-тўрт туп ёнғоқ бу йил ҳам серхосил бўлди. Камуйку кампирлар ўз насибасини териш учун бир-биридан вақтлроқ уйғонишади. Айби йўқ, биринчи бўлиб кўчага чиққани кечаси билан тўкилган, бунинг устига қаргалар юлиб олиб қақиш учун асфальтга ташлаган ёнғоқларни қаргалар билан талашиб-талашиб терса, бир килоча ёнғоқ бўлади. Биров текинга берармиди бунини шу замонда. Килоси фалон сўм бўлса.

Аммо ҳафтанинг баъзи кунлари тўкилган



ёнғоқнинг баракаси бўлмайди. Кампирлар ҳайрон. Ҳатто қаргалар ҳам бу сирни билмайди. Билмай балки, бу оламдан ҳам ўтиб, кетишар. Чунки улар газета ўқишмайди, қачон газета чиқишини билишмайди.

Газета чиққан кун тонгда, яъни, соат уч-тўртларда мен ишдан қайтаман...


Чори ЛАТИПОВ

ИННОВАЦИОН ЕЧИМ

Россиянинг баъзи ҳудудларида инновацион янгиликка қўл уришипти.

Навбат қутишга рақамланган чипта берувчи автоматга "Шундоқ сўраб чиқаман" деган банд киритилган. Уни танлаган одамга махсус рақам берилади ва у ... бошқалар қатори навбатини кутиб ўтираверади.

"Мен шундоқ сўраб олай" деб одамларни лақиллатиб, ишини навбатсиз битириб кетадиганлар учун бундан-да адолатлроқ жазони ҳали инсоният ўйлаб топмаган бўлса керак. Бу янгиликни зудлик билан бизга ҳам татбиқ этиш керак.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат

ШЕРАЛИЕВ

Манзилми:

111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги

офисимиз:

100000, Матбуотчилар

кўчаси, 32.

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари:

Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Электрон почта: toshkenthqiqati@gmail.com / th-tp@inbox.ru

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)

(71) 233-70-10

(71) 233-90-82

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти

Ахборот ва оммавий

коммуникациялар бонқармасида

2011 йил 12 январда 03-001 рақами

билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»

таҳририяти компьютер марказида

терилди ва Тоҳир Маҳмуджоев

томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусоҳиҳ

Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи

Композитор МАМАДКАРИМОВ

Буюртма Г-943. Баҳоси келишилган нарҳда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 385 нусхада чоп этилди

ISSN 2010-9318.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.40. 1 2 3 4 5